



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, майор

Рахимов Тохиржон Маткарим ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 216-  
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14992985>

### ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 8th March 2025

#### KEYWORDS

*профилактика инспектори,  
ислоҳат, жамоат тартиби,  
профилактика, ҳуқуқий асослар,  
профилактик чора-тадбирлар.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада мавзунинг долзарблиги, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар тушунчаси, бугунги кундаги ҳолати ва ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятлари, ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилади.*

#### Kirish

Ҳуқуқбузарликлар, унинг ижтимоий хавfli тури бўлган жиноятлар содир этилиши – барча мамлакатлар ва даврларга хос ижтимоий воқелик. Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бугунги миллий тизими мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида шаклланди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Бугунги кунда эса, ҳуқуқбузарликларнинг янги кўринишларининг пайдо бўлаётганлиги, уларнинг жамият ҳаётидаги ўзгаришларга мослашган ҳолда содир этилиши усуллари мураккаблашиб бораётганлиги, булар эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятида

замонавий усул ва шаклларни қўлланилишини тақазо этиши кенг қўламли ислоҳотларни амалга оширилишини талаб этди.

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотларни 5 та босқичга ажратга ҳолда кўриб чиқиш мумкин:**

**1-босқич:** 1999–2001 йилларни ўз ичига олиб, бу босқичдаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида”ги қарори асосида “синов” тариқасида амалга оширилди.

**Ушбу босқичда қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:**

– участка инспекторлари лавозимлари ўрнига профилактика инспекторлари институти жорий этилди, уларнинг штат бирликлари кўпайтирилиб, ваколатлари кенгайтирилди;

– Тошкент шаҳридаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида милиция таянч пунктлари ташкил этилди;

– милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг соҳавий хизмат ходимлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг яраштириш комиссиялари, “маҳалла посбони” жамоат тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда ишлашларини таъминлаш учун, уларнинг бир бинода жойлашуви ташкил этилди;

**2-босқич:** 2001–2004 йилларни ўз ичига олиб, бу босқичдаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги “Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ИИБ профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу босқичда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

**Ушбу босқичда Республика миқёсида қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:**

– энг чекка қишлоқ, шаҳарча, овул ва маҳаллаларда милиция таянч пунктлари фаолияти ташкил этилди;

– участка инспекторлари лавозимлари ўрнига профилактика инспекторлари институти жорий этилди, уларнинг штат бирликлари кўпайтирилиб, ваколатлари кенгайтирилди;

– милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг соҳавий хизмат ходимлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг яраштириш комиссиялари, “маҳалла посбони” жамоат тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда ишлашларини таъминлаш учун, уларнинг бир бинода жойлашуви ташкил этилди;

**3-босқич:** 2004-2014 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида ички ишлар идораларига мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 2004 йил 23 сентябр 442-69-сонли қарори билан амалга оширилди.

**Ушбу босқичда қуйидагилар амалга оширилди:**

– ички ишлар органлари, бевосита профилактика хизматларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилди;

– ички ишлар органлари профилактика хизматлари учун ИИВнинг Олий ўқув юртларида кадрлар етказиб берилиши тизими такомиллаштирилиб, уларда ўқитишнинг янги педагогик технологияларини қўллаш имкониятлари яхшиланди, таълим беришнинг моддий-техник базаси такомиллаштирилди;

– ички ишлар органлари, бевосита профилактика хизматлари учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ўзгартирилди, натижада 2004 йилдан ИИВ Академиясида кундузги таълимда 4 та мутахассислик йўналишида “Тергов”, “Тезкор қидирув”, “Эксперт криминалистика” фаолиятлари билан бир қаторда “Жиноятларнинг олдини олиш” фаолияти мутахассислиги бўйича таълим бериш йўлга қўйилди, ИИВ Академияси қошида ўқув жараёни олти ойлик бўлган СТТОКлари ташкил этилиб, унда курсантларга 8 та йўналишдан биттаси “Хуқуқбузарликларни олдини олиш” йўналишида таълим берилиши йўлга қўйилди.

ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилди, ички ишлар органлари ходимларининг мавжуд лавозимларга махсус унвони бўйича тақсимоли қайта кўриб чиқилди;

**4-босқич:** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши билан бошланди деб айтсак муболаға бўлмайди.

**Ушбу қонуннинг қабул қилиниши қуйдаги ўзгаришлар амалга оширилганлигини кўрсатади:**

– хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатлар қонуний тартибга солинди, шу жумладан ИИО профилактика хизматларининг хуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти;

– хуқуқбузарлик профилактикасининг тушунчалари аниқ белгилаб берилди;

– хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва жамоат тузилмалари тизими ҳамда уларнинг ваколатлари белгилаб берилди;

– хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари ва асосий принциплари кўрсатиб берилди;

– хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, уларнинг чора-тадбирлари ва уларни амалга ошириш йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

**5-босқич:** 2016 йилдан бошланди, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев президентликка сайланган даврдан бошлаб хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда соҳани янада такомиллаштириш, уни халқчил тузилмага айлантириш борасида шахсан бош ислохотчи сифатида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам тизимни халқчил тузилмага айлантириш устувор мақсад этиб белгиланди. Ушбу пировард мақсадни кўзлаб амалга оширилаётган тизимли, кенг қўламли ва изчил ислохотлар жараёнида 13 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 50 дан ортиқ фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортиқ қарорлари ҳамда 200 дан зиёд идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентди Шавкат Мирзиёев ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, хуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада хуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика

инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор»<sup>1</sup>, - деб таъкидлаб, айнан ислохотлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишда ушбу масалалар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони<sup>2</sup> ички ишлар органлари тизимида, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида туб ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу фармонда ички ишлар органлари тизимида тўпланиб қолган жиддий камчиликлар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли қарори<sup>3</sup> асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси ва олдини олиш бўйича фаолияти тубдан ислох қилинди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг республика, ўрта ва қуйи поғоналарининг асосий вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлиги аниқ белгиланди ва чегараланди. Натижада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тартиби ўрнатилди.

Ушбу қарорга асосан 2017-йил 1 октябридан профилактика инспекторлари ўз лавозимига тегишли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтадиган муҳокамалар натижаларига кўра қабул қилинадиган халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан тасдиқланиши; фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳар ойда профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш тартиб жорий этилди. Шунингдек ушбу қарорга асосан: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2018 йилнинг 1 январига қадар профилактика инспекторларини ўзлари бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Профилактика инспекторлари учун барча зарур шароитларнинг яратилиб борилаётганлиги, ўз навбатида, уларнинг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини жиддий кучайтиришни тақозо этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда шундай деган эди: «Биз профилактика инспекторларининг яшаши ва ишлаши учун барча шароитларни яратиб бердик. Энди уларнинг салоҳиятини, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Бундан кейин маҳаллалардаги профилактика инспектори лавозимига танлов асосида уч нафар энг профессионал ходимдан биттаси саралаб олинади. Шундай қилсак, улар ўртасида рақобат кучаяди,

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сонли Фармони \ URL: <https://lex.uz/docs/6396146> 02.03.2023.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарори \ URL: <https://lex.uz/ru/docs/3175732> 06.02.2024

одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлайдиган чинакам самарали тизим яратилади»<sup>4</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли фармони<sup>5</sup> га асосан Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари жорий этилди. Бундан ташқари Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этиладиган бўлди. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини эканлиги, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторлари зиммасига юкланиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги

ПҚ – 5050-сонли қарори<sup>6</sup>га асосан 3 та низом тасдиқланди:

1. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари тўғрисида низом;
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти тўғрисида низом;
3. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси.

Ушбу қарорнинг 1-иловасига асосан «Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида» низом қабул қилинди. Ушбу низомга асосан маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг асосий вазифалари ва фунциялари белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу қарорга асосан қуйидаги тартиб ўрнатилди: туман хокимлари ҳар ойда ҳудуд профилактика инспекторлари билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўриши, Халқ депутатлари туман кенгашлари ҳар ярим йилда профилактика инспекторларининг ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш аҳволи бўйича ҳисоботини эшитиши, Аҳолининг муоммоларини ўрганиш ва бартараф этиш бўйича «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ҳар бир маҳалла фуқоролар йиғинида «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» «Аёллар дафтари» юритилиб, ушбу дафтарларда рўйхатда турган турган фуқороларнинг муаммолари

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини кадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони \ URL: <https://lex.uz/docs/5344118>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ПҚ – 5050-сонли Қарори \ URL: [https://lex.uz/ru/docs/5353841\\_24.05.2023](https://lex.uz/ru/docs/5353841_24.05.2023)

билан алоҳида шуғулланиб, уларнинг муаммоларини бартараф этиш амалиёти жорий этилди. Худди шунингдек туманларда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида туман худуди хоким, прокурор, ИИБ бошлиғи ҳамда солиқ бўлими бошлиғи раҳбарлигида 4 та секторларга бўлиниб, ҳар бир сектор раҳбари ўзига тегишли бўлган худудда содир этилган жиноятга шахсан жавобгар бўлиши белгиланди. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган, “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” ва “2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланди.

Миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат – “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”да, жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ асосий тушунчалар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, концепцияни амалга ошириш механизмлари ва уни амалга оширишдан кутилаётган натижалар каби масалалар белгиланди.

Ушбу йўналиш бўйича шуни таъкидлаш лозимки, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>7</sup>ги Президент қарори билан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Республика комиссиясининг «Жиноятлар, ижтимоий-маиший тусдаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда жамоатчиликнинг юқори қизиқишини уйғотадиган воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари ва бунга имкон берган шартшароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисида»<sup>8</sup>ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан янгича тизим яратилган эди. Тизим ходимлари хотин қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда биринчи бўғинлардан бири бўлиб, ходимларнинг малакаси ва зўравонлик содир этилган ҳолларда, амалга оширилган дастлабки ҳаракатлари катта аҳамиятга эгадир<sup>9</sup>

Маълумки, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш зарурати мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олишни талаб этади. Бу борада

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартда қабул қилинган « Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2883-сонли Қарори \ URL: <https://lex.uz/ru/docs/3141186>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрда қабул қилинган «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ВМ – 265-сонли Қарори \ URL: <https://lex.uz/docs/5623688>

<sup>9</sup> Н.Қ. babahanov. Хотин-қизлар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – V. 4. – Yo‘q. 4. – B. 33-41.

“2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси”нинг мақсади ҳам мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишдан иборат бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги<sup>10</sup> қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга доир ваколатлари кенгайтирилиб, улар томонидан ҳал этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар доираси 14 тадан 24 тага оширилди.

Қисқача қилиб айтганда, юртимизда фуқороларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, бошқа муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этиш бўйича кенг қўламли ҳаракатлар бошлангани ва янги тизим яратилгани ижобий натижалар бермоқда. Ички ишлар органлари профилактика хизматлари тизимида амалга оширилган ислохотларда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ва моддийтехник база яратилди, профилактика инспектори ғоят масъулиятли ва шарафли касбга айланди.

#### Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 2024 й <https://lex.uz/docs/97664> 21.07.2024
2. Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сонли Фармони \ URL: <https://lex.uz/docs/6396146> 02.03.2023
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлин-малари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарори \ URL:<https://lex.uz/ru/docs/3175732> 06.02.2024.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 мартдаги « Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони \ URL: <https://lex.uz/docs/5344118>.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 2024 й <https://lex.uz/docs/97664> 21.07.2024

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

ПҚ–5050-сонли Қарори \URL:https:// <https://lex.uz/ru/docs/5353841> 24.05.2023

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзмёев Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 нояб.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2883-сонли Қарори URL:https://<https://lex.uz/ru/docs/314118>

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрда қабул қилинган «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ВМ – 265-сонли Қарори \ URL: <https://lex.uz/docs/5623688>

12. H.Q. Babahanov. Xotin-qizlar tomonidan sodir etiladigan zhinoyatlar profilaktikasini takomillashtirish //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – V. 4. – Yo'q. 4. – B. 33-41.

INNOVATIVE  
ACADEMY